

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zenergota'minlash" AJ

Объявление

"O'ZENERGOTA'MINLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

"O'ZENERGOTA'MINLASH" AJ АКЦИЯДОРЛАРИГА

"O'ZENERGOTA'MINLASH" AJ акциядорларига

"O'ZENERGOTA'MINLASH" AJ акциядорларининг 2024 йил 17 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий йиғилишида "O'ZENERGOTA'MINLASH" AJни "ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI" AJга қўшиб олиш йўли билан жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 40-моддасида жамиятнинг овоз берувчи ҳамда имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишни талаб қилишга ҳақлиги белгиланган.

Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши маълум қилинади.

Акциядорларнинг талабномаси асосида акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиш жараёнида "O'ZENERGOTA'MINLASH" AJнинг 1 (бир) дона имтиёзли акциясини қиймати 3 125,00 сўмни ташкил этади.

“O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ
Бош директори М.М.Аскаровга
“O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ
акциядори

_____ дан

Яшаш манзили: _____

Паспорт маълумотлари:

Телефон рақами: _____

**Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб
олиниши тўғрисидаги**

ТАЛАБНОМА

Мен _____, ўзимга тегишли бўлган
“O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ нинг _____ дона имтиёзли акцияларни
“O’ZENERGOTA’MINLASH” АЖ томонидан қайтариб сотиб олинишини сўрайман.

Акциядор паспорт нусхаси илова қилинади.

22.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16705/>

Дата: 25.06.2026